



Ислом Нури

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга жунубликдан бошқа ҳамма ҳолатларида Қуръонни таълим бераверар эдилар.

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Али розияллоҳу анху шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга жунубликдан бошқа ҳамма ҳолатларида Қуръонни таълим бераверар эдилар.

Шарҳ:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аҳлига яқинлашиб, кейин яна яқинлашмоқчи бўлган кишини орада бир таҳорат олишга буюрганлар, зеро бу билан инсонга яна куч-қувват, тетиклик қайтади, покланади ва бу амалда биз билмаган яна қанча ҳикматлар бор.

Шунингдек, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жунуб ҳолида овқатланмоқчи ёки ухламоқчи бўлган кишини аввал таҳорат олиб, кейин ейиш ёки ушлашга йўллаганлар. Жунуб киши то ғусл қилмагунича Қуръонни ҳам ушламайди, ёддан ҳам ўқимайди.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1. Аҳлига яқинлашиб, ғусл қилишдан аввал яна яқинлашмоқчи бўлган киши таҳорат олиб, кейин яқинлашиши суннатдир.
2. Киши жунуб ҳолатида ухламоқчи бўлса, таҳорат олиб, кейин ухлаши суннатдир.
3. Жунуб одам ғусл қилмасидан туриб Қуръон ўқиши ҳаромдир.